**Банклараро чакана тўлов тизимида мижозларга хизмат кўрсатишда "Сўм" пластик карточкалари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк ва нобанк кредит ташкилотлари томонидан амал қилиниши лозим бўлган**

## ТАРИФЛАР РЕЖАСИ

| Т/Р | Хизмат турлари | Ўрнатилган тариф | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| **1** | **Банк пластик карточкаларини эмиссия қилишда банк хизматлари ҳақи:** | | |
| 1.1 | Жисмоний шахслар пластик карточкаларини (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия ва оилавий карточкалар) эмиссия қилишда | Бепул | |
| 1.2 | Жисмоний шахслар пластик карточкаларини эмиссия қилишда (1.1 – бандга тегишли бўлмаган мақсадлар учун: конверсион операцияларни амалга ошириш, суғурта бадаллари, дивидентлар ва бошқа турдаги карталар) | 5 € гача | ЎзР Марказий банки курси бўйича |
| 1.3 | Пластик карточкаларнинг туридан қатъий назар (шу жумладан корпоратив карточкалар) фойдаланиш муддати тугаганда қайта эмиссия қилишда/алмаштиришда | Бепул | |
| 1.4 | Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор учун корпоратив пластик карточкани эмиссия қилишда | 5 € гача | ЎзР Марказий банки курси бўйича |
| 1.5 | Тўлов терминали учун савдо картасини бериш ва унга хизмат кўрсатиш | Бепул | |
| **2** | **Пластик карточка йўқотилганда ёки шикастланганда уни янгисига алмаштирилганда ундириладиган банк хизматлари ҳақи:** | | |
| 2.1 | Жисмоний шахсларга йўқотилган ёки шикастланган пластик карточкалар ўрнига янгиси берилганда | 5 € | ЎзР Марказий банки курси бўйича |
| 2.2 | Юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорнинг йўқотилган ёки шикастланган корпоратив карточкалари ўрнига янгиси берилганда | 10 € гача | ЎзР Марказий банки курси бўйича |
| **3** | **"Сўм" пластик карточкасига хизмат кўрсатишда ундириладиган банк хизматлари ҳақи:** | | |
| 3.1 | Пластик карточкаларни блокировкага (шу жумладан, "Стоп-лист"га) қўйиш ва чиқариш | Бепул | |
| **4** | **Банк томонидан савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларига ўрнатилган тўлов терминалларига тушган маблағлар инкассация қилинганда олинадиган комиссион тўловлар ҳақи:** | | |
| 4.1 | - банкнинг ўз мижозлари учун | Бепул | |
| 4.2 | - бошқа банк мижозлари учун | Бепул | |
| **5** | **Банк томонидан тўлов терминаллари ижарага берилганда олинадиган комиссион тўловлар:** | | |
| 5.1 | Юридик шахслардан тўлов терминаллари учун ижара ҳақи (ойлик) | 10 € гача | ЎзР Марказий банки курси бўйича |
| 5.2 | Якка тартибдаги тадбиркорлардан тўлов терминаллари учун ижара ҳақи (ойлик) | 5 € гача | ЎзР Марказий банки курси бўйича |
| 5.3 | Тўлов терминалини таъмирлаб бўлмайдиган даражада ишдан чиқариш ёки уни йўқотиш ҳолларида қўлланиладиган жарима санкциялари | Тўлов терминалининг қолдиқ қиймати ва қўшимча равишда жарима 40 € гача | ЎзР Марказий банки курси бўйича |
| **6** | ***Жисмоний шахсларнинг банк пластик карточкаларига маблағлар кирим қилинишида олинадиган комиссион тўловлар:*** | | |
| 6.1 | Жисмоний шахслардан уларнинг банк пластик карточкаларига барча турдаги маблағларни кирим қилиш | Бепул | |
| 6.2 | Жисмоний шахсларнинг банк пластик карточкаларига маблағларни ташкилотлар томонидан ўтказишдаги банк хизмат ҳақи | Бепул | |
| **7** | ***Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларига ҳисобланадиган фоизлар:*** | | |
| 7.1 | Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалари ҳисобварағидаги қолдиқ маблағларга ҳисобланадиган фоиз | Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда | |
| **8** | ***Жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларидан маблағлар ишлатилишида олинадиган комиссион тўловлар:*** | | |
| 8.1 | Банк эмитентидан қатъий назар жисмоний шахснинг пластик карточкасидаги маблағларни бошқа бир жисмоний шахс пластик карточкасига ўтказилганда ёки кирим қилинганда | Бепул | |
| 8.2 | Банк эмитентидан қатъий назар жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларидан маблағлар тўлов терминаллари, инфокиоск ва банкоматлар орқали ишлатилганда, нақд пул шаклида берилганда | Бепул | |
| **9** | **Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив карточкаларига маблағлар кирим қилинишида олинадиган комиссион тўловлар:** | | |
| 9.1 | Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив карточкаларига маблағлар ўтказилиши учун уларнинг асосий ҳисобварақларидан карточка ҳисобварағига маблағ кўчирилганда | Кўчирилган маблағлар миқдоридан 1 % гача | |
| 9.2 | Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг корпоратив карточкаларига маблағлар кирим қилинишида банк хизмат ҳақи | Бепул | |

Изоҳ: **Ушбу тарифлар режаси 2016 йил 1 мартдан бошлаб кучга киради ва барча тижорат банклари томонидан амал қилиниши лозим.**